

**“«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУКнинг 2023 йил учун Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги
ҲИСОБОТИ**

№	Амалга ошириладиган ишлар	Бажарилиши	Асос
I. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги			
1.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тартибини белгиловчи ички низом ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.	«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК раҳбарининг 2023-йил 25-июлдаги 62-сонли буйруғига 2 -иловаси билан ички низом тасдиқланган.	Тасдиқланган ички низомнинг электрон (PDF) формати илова қилинмоқда.
2.	Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган “йўл харитаси” ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.	«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК раҳбарининг 2023-йил 25-июлдаги 62-сонли буйруғига 3-иловаси билан 2023 йилга мўлжалланган “йўл харита” тасдиқланган.	Тасдиқланган “йўл харита”нинг электрон (PDF) формати илова қилинмоқда.
3.	Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги.	-«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУКнинг расмий веб-сайтида “Рақобат чекланиши ҳақида хабар бер!” номли саҳифа яратилиши амалга оширилмоқда; - мазкур соҳага оид мурожаатларни қабул қилиш мақсадида “Angrenissiqlik” телеграм гуруҳ очилди ва Call-марказ (70 665-04-32) фаолияти йўлга қўйилди.	“«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУКнинг расмий веб-сайтида яратилган “Рақобат чекланиши ҳақида хабар бер!” номли саҳифа 2024 йил январь ойида ишга туширилади.
4.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот сифатли ва ўз вақтида тақдим	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот Рақобат қўмитасига белгиланган	Ҳисобот “«Ангрен иссиқлик энергияси»

этилганлиги ва расмий веб-сайтга жойлаштирилганлиги.	вақтда тақдим этилди ва ташкилотнинг расмий веб сайтига жойлаштирилди.	ДУКнинг веб сайт фаолиятини ташкиллаштирувчи ходимлар иш олиб бормоқдалар: https://angrenissiqlik.uz/
--	--	---

II. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги

5.	Фаолиятга тегишли материалларни ўрганиш натижасида (шу жумладан, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатларни хатловдан ўтказишда) аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси.	Ҳисобот даврида “«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК фаолиятига тегишли материалларни ўрганиш давомида қуйидаги соҳаларда 1 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди: 1. Тендер савдолари иштирокчиларга асоссиз талаблар қўйиш, шу жумладан уларнинг малакасига нисбатан рақобатни чеклайдиган талаблар қўйиш ҳолати аниқланди. “АНГРЕН ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ” ДУКга Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонунининг 14-моддаси, биринчи қисми, биринчи ва иккинчи хатбоши талаблари бузилиш ҳолатларини 255976-сонли лот билан амалган оширилган харидлари юзасидан 11.05.2023 йилда танлов савдолари бўйича чиқарилган қарори ҳамда ушбу танлов савдолари натижаси бўйича тузилган шартномани ҳақиқий эмас деб топиш чорасини кўриш орқали бартараф этилди.	Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари бўйича ҳужжатлар ва бошқа тасдиқловчи материаллар тақдим этилади.
6.	Аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда	Аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Мисол учун, тендер савдолари	Ўзбекистон Республикаси рақобатни ривожлантириш ва

келгусида йўл қўймаслик бўйича қўрилган чоралар.	иштирокчиларига асоссиз талаблар қўйиш, шу жумладан уларнинг малакасига нисбатан рақобатни чеклайдиган талаблар қўйиш ҳолати юзасидан мазкур савдоларни бекор қилиш ҳамда қайта ташкил этиш бўйича ваколатли шахс томонидан тегишли таклифлар берилди. Шунингдек, барча ходимларга келгусида шу каби қонунбузилиш ҳолатларини такрорламаслиги учун батафсил тушунтиришлар берилди.	истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2023 йил 20-июндаги 10/77-сонли иш қарори илова қилинади.
--	--	---

III. Давлат органлари ва ҳўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари

7.	Ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланганлиги, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги.	«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК бошқарув раисининг 2023 йил 25 июлдаги 62-сонли буйруғига асосан монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс тасдиқланган.	“«Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК раҳбарининг 2023 йил 25 июлдаги 62-сонли буйруғи илова қилинмоқда.
8.	Ташкилот раҳбари томонидан йиғилишларда ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилганлиги.	2023 йилнинг 27 июль санасида «Ангрен иссиқлик энергияси» ДУК корхона раҳбари бошчилигида ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш юзасидан кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.	Жамиятнинг 2023 йил 27 июлдаги 16/09а-сонли йиғилиши баённомаси ва фотосуратлари илова қилинмоқда.

IV. Ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги

9.	Хисобёт йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари оширилгаилиги.	2023 йил давсмида масъул шахс томонидан ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари юзасидан билим ва кўникмаларини оширишга қаратилган жами 1 та давра суҳбати ташкил этилди.	Ўтказилган давра суҳбатининг баённомаси юборилмоқда.
10.	Ташкилот ходимларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги.	Ваколатли шахс томонидан рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш хавфини аниқлаш ва олдини олишга қаратилган монополияга қарши комплаенс тизимини самарали ташкил этиш ва мазкур тизим фаолияти учун масъул бўлган ходимларининг соҳага оид билимларини ошириш мақсадида қўлланма тайёрланди ва барча ходимларга тарқатилди.	Тайёрланган ўқув қўлланманинг электрон варианты илова қилинмоқда.